



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

РўЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 153 (10.149)

1991 йил 9 август • жума

Баҳоси 8 тийин.

КПСС Дастури тўғрисида

Партия XXVIII съезди томонидан тузилган комиссия КПССнинг янги Дастури лойиҳасини тайёрлади.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми билан Дастур комиссиясининг

қарорига биноан лойиҳа умумпартия мунозарасига қўйилади, шу мунозара

тугагач, Дастур КПССнинг навбатдан ташқари XXIX съездида кўриб чиқилади.

Партия Марказий Комитети билан комиссия коммунистларни, мамлакат жамоатчилигини мунозарада қатнашишга таклиф қиладилар. Бу мунозара амалий дастурий мақсадларни ишлаб чиқишга, ички партиявий жипслашувга, КПССнинг бутун фаолиятини янгилашга кўмаклашмоғи лозим.

• (КПСС Дастури лойиҳасининг матни рўзноманинг келгуси сонида эълон қилинади).

ТОШКЕНТ — ЖИЗЗАХ: МУСОБАҚАДОШЛАР ФИКР АЛМАШДИЛАР

ИККАЛА ТОМОНГА ҲАМ Фойдали бўлди

Анъанага кўра 5 август кунини жазолик пахтакорлар, чорвадорлар, бобгонлар, қишлоқ хўжалиги соҳасининг етук мутахассислари вилоятимиз пахтазорларида, фермаларида, сабзавот, мева-чева етиштириладиган пайкалларда, боғроғларда бўлдилар. Шаронти ургандилар. Экинларнинг ривожини, тўланаётган ҳосилни кўздан кечиридилар. Хўжалиқларда шу кунларда қилинаётган ишлар билан танишдилар. Пахта, каноп, маккажўрчи, сабзавот экинлари, боғдорчиликда ҳосилдорликни ошириш учун деҳқонлар билан аҳамият бераётган тажрибаларни ўргандилар. Бу тарафда ўзлари орттирган тажрибаларни ўртоқлашдилар. Шу билан биргаликда текшириш давомида аниқланган, агротехник тадбирни бекам-ўст ўтказилмаганлиги натижасида айрим майдонлардаги экин ривожига камчиликлар борлиги очин-ойдин айтилди. 41 кишидан иборат бўлган жазолик ўзаро тажриба алмашиш гуруҳи аъзолари бўлиниши, вилоятимиз ноҳияларида бўлдилар.

Динки, ўзаро тажриба алмашиш иккала томон учун ҳам фойдаланган ҳоли бўлмас экан. Ер, сув, об-ҳаво шароитларимиз, экиннинг турларимиз деярли бир хилдир. Биз ўзаро тажриба алмашган, фикрлашган нарса иш юритишни ташкил қилиш, хўжаликни бошқаришни янги усулларни ҳақида бўлди. Қандай йул тўтасан самарадорликка эришиш мумкин, деган саволга жавоб топши бўлди.

Мусурмон ИҶНОСИВОВ, Октябрь ноҳияси агросаноат уюшмаси раиси: — Биз, Собир Раҳимов номли давлат хўжалигининг бригадаси билан Ҳабиб Жуманов, Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалиги ижарачиси Шавкат Шукуров «Пискиент» давлат хўжалиги, Охунбобоев, Навоий, Тельман номли «Ўзбекистон ССР 50 йиллик» жамоа хўжалиқларида бўлдик. Давлат муҳтақашларининг шу кунгача амалда олинган ишлари билан танишдик. Биз бир нарсга амин бўл-

ДАСТУР ДОИРАСИДА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Астрономия илм-гоҳи бўлим ва лабораторияларида илмий кузатишлар жардёнлари янада фаоллаштирилди. Айниқса, Қўёш фаолигини кузатишга қаратилган изланишлар кўла ми бирмунча кенгайди.

Кейинги кунларда бажарилган кузатишлар натижалари ҳам ўлчов-ҳисоблаш марказида ишланиб, тайёр маълумотлар ҳолига келтирилди. Ана шу илмий-амалий ахборотлар телетайп орқали жойларга юборилган бўлишида. Москва амалий геофизика илмгоҳи ҳамда Қрим астрономия расадхонаси ҳам бу хил материалларни олдилар.

С. ОДИЛОВА.

БИР ТАКЛИФ САМАРАСИ

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати саноат-гемир йул транспортни бошқармасининг ишлаб чиқариш бўлимида илмий-техник рочлик ва рационализиаторлик ҳаракати яхши йулга қўйилган. Ташкил этилган махсус стендарда технологиянинг қолоқ, тақомиллаштириш зарур бўлган кертма жойлари, уларни бартараф этишнинг тахминий ечимлари, ишлаб чиқаришга тегадиган фойдаси ва унинг рационализиаторлик тақлифлари соҳибларига тўланадиган фойзи, маслаҳат қилиш учун қайси мутахассисга мурожаат қилиш ва бошқа шу каби йул-йўриқлар кўрсатилган. Бу техникавий ижодкорлик билан шугулланаётганлар учун анчагина энгиллик туғдирмоқда. Улар мураккаб муаммоларни ҳам ҳал қилишга муваффақ бўлишпти.

Йил бошидан бери ишлаб чиқаришнинг турли жараёнларини тақомиллаштиришга қаратилган ўндан ортиқ тақлиф тугди. Уларнинг биттаси самараси салмоқлиги билан ажралиб турди. У сафига турли мутахассисликка эга бўлган тўққиз нафар муҳандис, техник ва ишчиларни бирлаштирган бу ижодкор жа-

моа тепловоз гилдиракларини мойлаб туришни ниҳоятда энгиллаштиришга олиб келган мослама яратдилар. Аниқ ҳисобларга кўра биргина шу тақлиф норхонага салкам ўттиз миң сўм фойда келтирди. Қимматли тақлифнинг муамлифлари ҳам муносиб тақдирландилар. Уларнинг ҳар бирига беш юз сўмдан пул берилди.

Бундан ташқари, техника ижодкорлари издан чиқиб кетган составни пулат излар устига қўйишни, овозли индикаторларни туза-тиш ишлари сифатини яхшилаш ва бошқа шу каби юмушларни энгиллаштиришга қаратилган тақлифларни ҳам ишлаб чиқиб, амалда жорий қилишди.

М. МАХМУДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

Кеча Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетида қишлоқ хўжалиги, агросаноат комплекси ходимлари, партия, совет ва хўжалик органлари раҳбарлари кенгаши бўлиб ўтди. Унда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиб-тегиб олиш, фамлаш ва сақлаш, қишга намунали тайёргарлик кўриш масаласи муҳокама қилинди. Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси С. Д. САЙДАЛИЕВ маъруза қилди.

Маъруза бўйича мунозараларда Оққўрғон район партия комитети биринчи котиби, халқ депутатлари район Кенгаши раиси Н. Бердиқулов, Паркент районидаги «Ленинобод» совхозни директор Т. Ризаев, Чиноз районидаги Навоий номи колхоз раиси Х. Ақромов, Тошкент район партия комитетининг биринчи котиби Р. Акбаров, Пискент районидаги Охунбобоев номи колхоз раиси М. Авазов, Бекобод шаҳар ижроия комитети раиси Ш. Бобоев, Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхоз раиси Б. Фозилов, Бекобод районидаги Улугбек номи совхоз директори У. Исабоев сўзга чиқдилар.

(Кенгаш ҳақидаги ҳисобот рўзномада эълон қилинади).

КОММУНИСТИК РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Коммунистик район партия ташкилотлари партия комитетининг пленуми котиби котиби этиб сайланиб ўтди. Пленум ташкиланганлиги муносабати билан район партия комитети биринчи котиби вазифасидан озод қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят муассасалари ва ташкилотлари бошлангич партия ташкилотлари партия комитети котиби этиб сайланди. М. Махмудов вилоят Кенгаши раиси С. Д. Сайдалиев нутиқ сўзлади.

СОВЕТ РАКЕТАСИДА ҲИНДИСТОН ЙЎЛДОШИ

1991 йил 29 август кунини Бойқўнғур космодромдан Ернинг Ҳиндистон суний йўлдоши тиралган «Восток» учирувчи ракетаси парвози ре-

жалаштирилган, деб хабар қилишди СССР Главносмосдин. Бу тадбир икки мамлакат ўртасидаги тижорат битимида кўзда тутилган. Ҳозир совет ва хинд мутахассислари космодромда «ИРС-1Б» йўлдошини учиртишга тайёргарлик кўришмоқда.

(ТАСС).

«Ёқутолмос» билан ҳамкорликда

ЧИНОЗ съездидаги «Партия XXIV съезди» давлат хўжалиқда ҳар йили катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Бу йил ҳам бу соҳада катта режалар белгиланган. Ҳаммаси бўлиб 3 миллион сўмлик турли-туман ишюотлар, уй-жойлар, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатувчи муассасалар барпо этилиши назарда тутилган.

Энг катта ишюотлардан бири иссиқхонадир. У «Ёқутолмос» корхонаси билан ҳамкорликда барпо эти-

Хўжалиқнинг маркази ҳисобланган Илйич кўрғониде яқинда фойдаланишга топширилган уйларга саник оила кўчиб кирди. Ҳозирги вақтда бу ерда ҳаммом ва 422 нафар ўнувчи-га мўлжалланган мактаб қурилиши олиб борилмоқда. Аҳоли сони кўпайиши билан мавжуд болалар боғчаси талабини қондирмай қолди. Шунинг ҳисобига олиб хўжалик ишчи-хизматчиларининг мажжи фарзандларини ўз бағрига олувчи иккинчи шундай муассаса қурилиши жадал олиб борилмоқда. У йил охиригача ишга туширилади.

Р. КАМОЛОВ.

• «ОБУНА - 92» •

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ ҚАРАДОН РЎЗНОМАНГИЗГА ЎЗ ИЛИШНИ УНУТМАНГ!

1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна мавсуми бошланди. Бошқа нашрлар қатори «Тошкент ҳақиқати» рўзномасига ҳам 1 августдан бошлаб барча алоқа бўлимларида обуна қабул қилинмоқда.

«Тошкент ҳақиқати»нинг бир йиллик обуна баҳоси — 25 сўм 68 тийин, ярим йилга 12 сўм 84 тийин, уч ойга эса 6 сўм 42 тийин.

Хурматли муштарийлар! Фурсат ганиматлигида ўз рўзномангизга — «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишга шайин!

Ф. СП-1

СССР Алоқа вазирлиги «Мабғуот уюшмаси»

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ 64672 (нашр ному) (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна соми

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта кўрсаткичи) (маҳвил)

Қимга (насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

рўзномани ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64672

п.в. мойи (нашр кўрсаткичи)

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ (нашр ному)

обуна баҳоси 25 сўм 68 т. (нашр кўрсаткичи)

• янги маълумотга асосан •

• юбориш баҳоси • сўм

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта кўрсаткичи) (маҳвил)

Қимга (насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

